

QO‘QON DAVLAT
PEDAGOGIKA INSTITUTI
ILMIY XABARLARI
(2025-yil 3-son)



IJTIMOIIY FANLAR
SOCIAL STUDIES

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССУАЛ ИСБОТЛАШДА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

Ё. Бозоров

*Судьялар олий мактаби
мустақил изланувчиси:*

Аннотация: ушбу илмий мақолада, жиноят процессуал исботлашда сунъий интеллектнинг ўзига хос жиҳатлари. Ҳақида фикрлар ва олимларнинг изланишлари келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: Маҳаллий давлат ҳокимияти, ахборот, ахборот-коммуникация технологиялари, электрон тизим, ҳужжат алмашинуви, ижро ҳокимияти, қонун, қарор, фармойиш.

ОСОБЕННОСТИ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В УГОЛОВНО-ПРОЦЕССУАЛЬНОМ ДОКАЗЫВАНИИ

Аннотация: в данной научной статье рассматриваются особенности искусственного интеллекта в уголовно-процессуальном доказывании. Приведены мнения и результаты исследований ученых по данному вопросу.

Ключевые слова: Местная государственная власть, информация, информационно-коммуникационные технологии, электронная система, документооборот, исполнительная власть, закон, постановление, распоряжение.

FEATURES OF ARTIFICIAL INTELLIGENCE IN CRIMINAL PROCEDURAL EVIDENCE

Abstract: This scientific article discusses the distinctive aspects of artificial intelligence in criminal procedural evidence. Opinions and research findings of scholars on this topic are presented.

Keywords: Local government, information, information and communication technologies, electronic system, document exchange, executive power, law, decree, order.

XXI асрда рақамли технологиялар ҳаётимизни бир қисми бўлиб қолмай, махсус фаолиятга жумладан жиноят ишини юритиш билан боғлиқ соҳаларга ўз таъсирини ўтказмоқда.

Албатта, илм-фан бундай ўзгаришларга четда туролмаслиги ва бундай саволлардан юз ўтирилмаслиги лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон “Жиноят ва Жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Қарорида¹²² жиноят жараёнларини юритишни рақамлаштириш учун зарур бўлган техник ва дастурларни ўрганиш ва бу бўйича ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганишни устувор вазифалар қилиб белгиланиб олинган.

Айтиш жоизки, бугунги кунда содир этилаётган жиноятларнинг салмоқли қисми бевосита ёки билвосита илм-фан ва техниканинг энг янги ютуқларига асосланган.

М.Х. Кадирова, жиноят иш юритувнинг замонавий талабларга ҳамоханг рақамлаштирилган дастурларни ишлаб чиқиш барча демократик давлатлар фаолиятининг асосий йўналишлардан бирига айланган. Айниқса, жиноят жараёнларида рақамлаштириш ва сунъий интеллект масалаларга илмий жамоатчилик томонидан эътибор берилмоқда.¹²³

А.Ю. Афанасьевнинг таъкидлашича, охир пайтларда юқори технологияларда бўлган ўзгаришлар айниқса сунъий интеллект барча соҳаларга кириб келмоқда. Улар, инсоннинг ақл-идрокини ўрганиш ва жиноятга оид муаммоларни тез ҳал қилиш билан ажралиб туради.¹²⁴ Чиндан ҳам, мамлакатимизда бугунги кунда сунъий интеллект тизимлари орқали автоматлаштирилган маълумотларни қайта ишлаш, таҳлил ва қидирув масалалари йўлга қўйилган.

М.М. Бобоев, жаҳонда рақамлаштириш аллақачон устувор стратегия сифатида белгиланиб, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳаларда кенг фойдаланиб келинмоқда.¹²⁵

Юқоридаги олимлар фикрларга таяниб, биз уларни ҳозир муҳокама қилмасак, келгусида замонавий технологиялар билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган янги муаммоларга дуч келишимиз муқаррардир. Шу боис жиноят процессида сунъий интеллект технологияларини қўллаш истиқболларини ўрганиш, шу билан боғлиқ юзага келадиган муаммоларни таҳлил қилиш ва жиноят жараёнини ривожлантириш мақбул йўллари излаш айниқса муҳимдир.

Таъкидлаш жоизки, сунъий интеллект имкониятларидан хорижий мамлакатлар илдамланиб кетган. Мисол учун, АҚШ, Буюк Британия, Финляндия, Франция ва Хитой каби давлатларда жиноятчини ва ҳуқуқий ҳужжатларни қидириш, таҳлил қилиш, текшириш ва тайёрлаш, ҳуқуқий хавфларни баҳолаш, процессуал қарорларни шакллантириш ва ҳуқуқий низоларни кўриб чиқишда сунъий интеллект тизимларидан кенг фойдаланиб келмоқдалар.

¹²² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон “Жиноят ва Жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

¹²³ Кадирова М.Х. Рақамлаштириш орқали жиноят процессуал муддатларни такомиллаштириш муаммолари. Автореф.дисс...юридик. фан. докт (DSc). Т., ТДЮУ, 2023. - Б. 5.

¹²⁴ Афанасьев А.Ю. Искусственный интеллект или интеллект субъектов выявления, раскрытия и расследования преступлений: что победит? // Библиотека криминалиста. Научный журнал. 2018. № 3. С. 28—34.

¹²⁵ Бобоев М.М. Прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш. Автореф.дисс...юридик. фалсафа фан. докт (PhD). Т., Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, 2023. - Б. 5.

D.O. MakGinnis, R.Dj. Pirslar yaqin kelaжакда сунъий интеллект ҳуқуқнинг 5 та асосий соҳасини эгаллаши мумкин: ишнинг ҳолатлари бўйича маълумот излаш, прецедентларни қидириш, ҳужжатларни ишлаб чиқиш, иш материалларини тайёрлаш, ишнинг натижасини прогноз қилиш. Аслини олганда, сунъий интеллект билан боғлиқ ҳуқуқ тизимида аллақачон фойдаланиб келинмоқда. Масалан, АҚШда «Judicata», «BriefMine», «LawDepot» кабилар.¹²⁶

Россия Федерациясида сунъий интеллект технологияларидан айрим корхоналар фойдаланиб келмоқдалар. Хусусан, ПАО «Сбербанк России», ПАО «Мегафон», АО «Интерфакс» ва ПАО «СИБУР Холдинг» каби корхоналарда сунъий интеллект стандарт шартномалар тузиш ва даъво қўзғатиш, “робот юрист”, стандарт даъволарга жавобларни шакллантиришда фойдаланадилар.¹²⁷

А.В. Сибильков, сунъий нейрон дастурлаш тармоқлари орқали маълум бир тоифадаги жинойт ишларни текшириш натижалари тўпланган далилларнинг етарлилигини баҳолаш учун ишлатилиши мумкин.¹²⁸

Бизнинг фикримизча, юқоридаги фикрга қўшилиш мумкин. Негаки, бугунги кунда мамлакатимизда кибер яширин маконда кўплаб жинойтлар содир этилмоқда, айниқса фирибгарлик, террорчилик кабилар бунга мисол бўла олади. Ф. Джураевнинг таҳлилига кўра, юртимизда кибержинойтларнинг аксарияти интернет тармоқларидан фойдаланиб пластик карталардаги мавжуд пулларни номаълум шахслар томонидан ечиб олаётганини маълум қилади.¹²⁹ Мисол учун, сизга телефон орқали ноъмалум шахс ўзини банк ходими деб таништиради ва пластик картангизга кибер хужум бўлаётганини айтади. Кибер хужумни олдини олиш мақсадида сизни телефонингизга келган смс кодни айтишингиз, паспорт маълумотларни сўрайди. Шундан сўнг, мобил илова орқали электрон қурилмага кириб боради. Натижада, кибер жинойтчи пластик картадаги пулларни ҳаммасини ечиб олади.

Ш.З. Нарзиев, 2024 йилда кибер маконда содир этилган жинойтлардан молиявий йўқотишлар деярли 70% га етди. Яъни, 5 триллион доллардан ошди.¹³⁰

Айтиш жоизки, сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиб, автоматлаштирилган тарзда тезкор ахборотларни, ҳужжатларни ва шахсларни қидириш имкониятлардан фойдаланиш мумкин. Бу технологиялар орқали келажакда бир зумда таъқиб қилинаётган шахслар тўғрисида тезкор ахборотларни олиш мумкин. Дарҳақиқат, анъанавий тезкор-қидирувдан кўра, шахсларни кўчаларда ўрнатилган рақамлаштирилган

¹²⁶ МакГиннис Д.О., Пирс РДж. Великий подрыв: как искусственный интеллект меняет роль юристов в оказании юридических услуг // Актуальные проблемы экономики и права. 2019. Т. 13. № 2. С. 1230—1250.

¹²⁷ <https://www.advgazeta.ru/novosti/eksperty-obsudili-primeneniye-iskusstvennogo-mteNekta-v-yundicheskoy-praktike/>

¹²⁸ Сибилькова, А. В. (2019). Искусственный интеллект на службе у следователя. *Российский следователь*, 9 (3), 68–70.

¹²⁹ <https://cyberleninka.ru/article/n/kiberzhinoyatlar-tushunchasi-belgilari-va-shahsiy-iz-uvartik-ma-orati-or-ali-ularni-oldini-olish-va-fosh-etilishining-a-amiyati-a>

¹³⁰ Ш.З. Нарзиев. Кибер-жинойтчилик ва унга қарши курашиш. Образование наука и инновационные идеи в мире. Выпуск журнала N-44. Часть–2. Май–2024.

видео камералар орқали қидириш онсон кечади. Мисол учун, Ўзбекистон ЙПХ масканларда автоматлаштирилган видео кузатув камералари ўрнатилган. Ушбу масканларда ўтиш вақтида ҳар бир автомашина автомаштирилган камерадан ўтади. Агарда, автомашина қидирувда бўлса, тезкорлик билан автомашина қидирувда эканлигини ЙПХ ходимларига дарҳол огоҳлантиради. Бугунги кунда, ушбу автомаштирилган тизим жиноятчиларни қидиришда тезкор ходимларини ишини анча енгиллаштирди десак муболаға бўлмайди. Ёки, Ўзбекистон бўйлаб қўйилаётган камералар қидирувда бўлган шахсларни ёки далилларни аниқлашда ва тўплашда ўз самарасини бермоқда. Демак, автоматлаштирилган тизим ўзи маълумотларни таҳлил қилиш, маълумотларни таснифлаш ва одамлардан мустақил равишда қарор қабул қилиш қобилиятига эга. Яъни, сунъий интеллектнинг автоматлаштирилган тизими инсон аралашувисиз интеллектуал ишнинг муҳим қисмини бажаришга қодир.

Кўриб турганингиздек, жиноят иши бўйича далилларни аниқлашда сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш бир мунча ишни куч, вақт нуқтаи назардан тежайди, бундан ташқари тезкорлик билан жойини аниқлашда ўз самарасини беради. Улардан баъзилари далилларни тўплаш учун ишлатилади, ёхуд исботлаш субъекти қўлида далил маълумотларини олишнинг ўзига хос воситаси сифатида фойдаланилади. Бошқа технологиялар далилларни текшириш ва ҳатто баҳолаш фаолиятида ҳам қўлланилиши мумкин. Бундай йўл билан тўпланган далиллар жиноят иши бўйича асосий далил бўлиб хизмат қилиши мумкин.

А.А. Хужаназаровнинг таъкидлашича, электрон йўли билан тўпланган маълумотлар, келгусида жиноят ишида электрон далил сифатида фойдаланиш мумкин. Бугунги кунда дунё олимлари жиноят процессуал исботлашда электрон курилмалар орқали олинган маълумотлар далил сифатида фойдаланиш мумкинлиги тўғрисида диққат марказидадир.¹³¹

Б. Остром, Р. Уильямслар, сунъий интеллектдан фойдаланган ҳолда интернет тармоқлари орқали шахсга доир маълумотларни тезкор билан электрон почта, ижтимоий медиа хабарлари ва мобиль курилмага кириб, жиноятга оид маълумотларни сонияларда тўплаши мумкин. Бу АҚШда кенг тарқалган усул ҳисобланади. Сунъий интеллектни кучли томонларидан бири унинг дунё бўйлаб кенг қўламли изланишлари ва далилларини исботлаш учун ҳаётини мисоллардан фойдаланишидир.¹³²

Албатта, бундай жараён шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига бевосита дахл қилади. Ф.Х. Мадиев, интернет тармоқлари шахсга доир маълумотларни тарқалиб кетишини олдини олиш учун “internet privacy officer” каби сунъий интеллектни жорий

¹³¹ Хужаназаров А.А. Электрон кўринишидаги маълумотлардан жиноят процессуал исбот қилишда фойдаланишнинг умумназарий асослари. Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали. 2019. №7. – Б. 29-30.

¹³² Остром Б., Уильямс Р. Цифровые доказательства и система уголовного правосудия США, 2019 (англ. Digital Evidence and the U.S. Criminal Justice System (2019) by Brian Ostrom and Roger Williams).

қилиш мақсадга мувофиқ.¹³³ Шунинг учун, сунъий интеллектдан фойдаланиш шахсларни ҳимоя қилишга қандай таъсир кўрсатади ва келажақда қандай таъсир кўрсатиши мумкин деган саволлар ўйлантиради. Янги технологиялардан исботлаш жараёни фойдаланиш истиқболларини ўйлаб кўриш тақазо этмоқда.

2017-йилдан сунъий интеллект Хитой суд тизимининг бир қисми ҳисобланади. Тажрибаси сифатида Ханчжоу шаҳрида ақлли суд деб аталадиган дастур йўлга қўйилган. Ушбу дастур автоматик равишда ишларни кўриб чиқади, қўлланилиши керак бўлган қонунларни тавсия қилади, қарорлар лойиҳасини ишлаб чиқади ва судьянинг мумкин бўлган хатоларини тузатади. Бироқ, робот судьяси томонидан қабул қилинган барча қарорлар судья томонидан тасдиқланмайди. Ишларни кўриб чиқишда нейрон тармоқлар, блокчейн, катта маълумотлар ва булутли технологиялар қўлланилади. Суд мажлислари мамлакатнинг машҳур WeChat месценжериди ўтказилади, у ерда судья виртуал аватар бўлиб, унинг орқасида асосан электрон тижорат ва тўловлар билан боғлиқ низоларни кўриб чиқадиган сунъий интелект яширинган. Процесс бошланишидан олдин даъвогар ўз аризасини рўйхатдан ўтказиши керак, шундан сўнг онлайн чат орқали виртуал суд мажлиси режалаштирилган. WeChatнинг мобиль суд опцияси фойдаланувчиларга судга жисмонан келмай туриб суд мажлисида қатнашиш ва далилларни тақдим этиш имконини беради.

Хитой расмийларига кўра, оддий ишларни сунъий интеллектга ўтказиш судьяларнинг иш юкини енгиллаштиради, улар фақат жараённи кузатади ва кейин якуний қарор чиқаради. Робот судьялари, давлатнинг ижтимоий тизими билан ишлайди. Сунъий интелектга киритилган маълумотлар орқали жинойтчиларни хаво йўллар, темир йўл, меҳмонхонадан фойдаланишни ёки мамлакатни тарк этишни тақиқловчи қирғинни киритиши мумкин. Мобиль интернет фойдаланувчилари сони бўйича дунёда биринчи ўринда турадиган тахминан 850 миллион киши, суд мажлисларининг деярли 90 фоизи онлайн тарзда ўтказилади.¹³⁴

Шунингдек, Аргентинада ҳам суд тизимида робот судья киритилган. Буэнос-Айрес округи прокуратураси фуқаролик ва маъмурий ишларнинг бир қатор тоифалари бўйича суд қарорини 10 сонияда қабул қилиш ва кўриб чиқишга қодир бўлган Prometea дастурий иловасини синовдан ўтказишнинг оралиқ натижаларини сарҳисоб қилди. Маълум бўлишича, ҳакамлар ўтган йил давомида сунъий интелектга ёрдамида қабул қилинган барча қарорларни маъқуллаган.¹³⁵

¹³³ Мадиев Ф.Х. Рақамли технологияларни ривожлантириш шароитида шахсий ҳаёт дахлсизлиги ҳуқуқни таъминлашнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари. Автореф.дисс...юридик. фалсафа фан. докт (PhD). Т., ТДЮУ, 2023. - Б. 15.

¹³⁴ В Китае киберсудья с ИИ на блокчейне рассматривает дела в интернет-чате [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <https://tech.onliner.by/2019/12/10/dredd-wechat>. В Китае судьи будут использовать роботов для вынесения приговоров [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <https://www.sb.by/articles/kibersudya-mif-ili-realnost.html>.

¹³⁵ Решения робота-судьи полностью устраивают служащих Фемиды [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <https://legal.report/resheniya-robota-sudi-polnostyu-ustrayayut-sluzhitelej-femidy>.

Ўринли савол туғилиши мумкин, сунъий интеллект томонидан тўпланган далиллар кейинчалик бундай далилларни текшириш ёки эътироз билдириш мумкин эмаслигига олиб қилиши мумкин. Дарҳақиқат, агар далилларни тўплаш жараёнида сунъий интеллектга асосланган маълум дастурий таъминот, масалан, юзни идентификация қилиш тизими ёки паст сифатли тасвирни тиклаш тизими ишлатилса, унда ушбу тизим асосидаги алгоритм шаффоф ва ўрганиш учун очиқ бўлиши керак. Бундан ташқари, жиноят процесси тортишувчанлик принципи, ҳимоя томон, айблов томон ва ҳолис (судья) томон иштирок этишни назарда тутувчи тизим орқали юритилади. Ахир, сунъий интеллектга инсон қисмитини топшириб, келгусида янги хавфларни келтириб чиқариш мумкин.

Бизнингча, сунъий интеллект фақат далилларни ўрганишни енгиллаштириш, консултатив, қонунларни аниқлаштирувчи, далилларни тўплаш ва таҳлил қилиш, шахсга доир маълумотларни қидирувчи яъни сунъий интеллектдан дастлабки далил тўплашда восита сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Шундагина исботлаш субъекти ҳақиқатни рўёбга чиқаришда марказий қарор қабул қилувчи ҳамда сунъий интеллект тизимлари билан боғлиқ бошқа хавфлардан дуч келмаслик мумкин.

Демак, сунъий интеллектни исботлашда фойдаланиш ўзига хос ижобий ва салбий томонлари мавжуд бўлиб, кўплаб хавфларни ҳам, ўзига хос жиноят процессуал ютуқларни келтириб чиқариши мумкин. Сунъий интеллект тизимларини яратиш жараёни ва ишлаш хусусиятларини нотўғри тушуниш исботлаш субъектларини нотўғри йўлга олиб боришига олиб келади.

Шундай қилиб, сунъий интелектда шаффофлик, назорат, ҳолислик, ҳуқуқий асослари ва тегишли жавобгарлик механизмини таъминлаш каби талабларга жавоб бериши керак. Шундагина, сунъий интеллект технологиялари ёрдамида олинган далиллар мақбул деб ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон “Жиноят ва Жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Қарори.
2. Кадирова М.Х. Рақамлаштириш орқали жиноят процессуал муддатларни такомиллаштириш муаммолари. Автореф.дисс...юридик. фан. докт (DSc). Т., ТДЮУ, 2023. - Б. 5.
3. Афанасьев А.Ю. Искусственный интеллект или интеллект субъектов выявления, раскрытия и расследования преступлений: что победит? // Библиотека криминалиста. Научный журнал. 2018. № 3. С. 28—34.
4. Бобоев М.М. Прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш. Автореф.дисс...юридик. фалсафа фан. докт (PhD). Т., Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, 2023. - Б. 5.

5. МакГиннис Д.О., Пирс РДж. Великий подрыв: как искусственный интеллект меняет роль юристов в оказании юридических услуг // Актуальные проблемы экономики и права. 2019. Т. 13. № 2. С. 1230—1250.

6. <https://www.advgazeta.ru/novosti/eksperty-obsudili-primenenie-iskusstvennogo-mteNekta-v-yundicheskoy-praktike/>

7. Сибилькова, А. В. (2019). Искусственный интеллект на службе у следователя. *Российский следователь*, 9 (3), 68–70.

8. <https://cyberleninka.ru/article/n/kiberzhinoyatlar-tushunchasi-belgilari-va-shahsiy-iz-uvvarlik-ma-orati-or-ali-ularni-oldini-olish-va-fosh-etilishining-a-amiyati-a>

9. Ш.З. Нарзиев. Кибер-жиноятчилик ва унга қарши курашиш. Образование наука и инновационные идеи в мире. Выпуск журнала N-44. Часть–2. Май–2024.

10. Хужаназаров А.А. Электрон кўринишидаги маълумотлардан жиноят процессуал исбот қилишда фойдаланишнинг умумназарий асослари. Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали. 2019. №7. – Б. 29-30.

11. Остром Б., Уильямс Р. Цифровые доказательства и система уголовного правосудия США, 2019 (англ. Digital Evidence and the U.S. Criminal Justice System (2019) by Brian Ostrom and Roger Williams).

12. Мадиев Ф.Х. Рақамли технологияларни ривожлантириш шароитида шахсий ҳаёт дахлсизлиги ҳуқуқни таъминлашнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари. Автореф.дисс...юридик. фалсафа фан. докт (PhD). Т., ТДЮУ, 2023. - Б. 15.

13. В Китае киберсудья с ИИ на блокчейне рассматривает дела в интернет-чате [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <https://tech.onliner.by/2019/12/10/dredd-wechat>. В Китае судьи будут использовать роботов для вынесения приговоров [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <https://www.sb.by/articles/kibersudya-mif-ili-realnost.html>.

14. Решения робота-судьи полностью устраивают служащих Фемиды [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <https://legal.report/resheniya-robota-sudi-polnostyu-ustrayayut-sluzhitelej-femidy>.